

АХБОРОТЛАШГАН МАДАНИЙ МАКОНДА ЁШЛАРДАГИ ҚАДРИЯТЛАР МЎЛЖАЛЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ

Асанов Ходжахмет Максуютович

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби тингловчиси*

АНОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф жамиятдаги ижтимоий муносабатлар шароитида авлодлар алмашинуви жараёнидаги қадриятлар мўлжалларининг трансформациялашувини маданий маконда фольклорнинг бир қисми саналган “дуо”лар мисолида таҳлил этади. Барча даврлар учун ўзига хос қадриятлар мўлжали намоён бўлиб, унинг ўзгарувчанлиги ёки давомийлиги албатта мавжуд ижтимоий-сиёсий ва маданий хусусиятларга боғлиқ бўлади. Ҳамма вақт ҳам ишончли манба ёки маълумотлар базасининг етишмаслиги, тадқиқотчидан ўзига хос методологик ёндашувларни излаб топишни талаб этади. Ахборотлашган жамиятда қадриятлар мўлжалларининг трансформациялашувини аниқлашда маҳаллий социологик тадқиқотларда шу пайтгача эътибор қаратилмаган ўзига хос ёндашув, яъни “дуо” ларда қадриятларнинг ёшлар дунёқарашига таъсир ўтказувчи омиллар таҳлил этилди. Истиқболда маданий антропология ва дин социологиясидаги назарий-методологик ёндашувларни ифодалашда мазкур ёндашувнинг аҳамияти алоҳида ўрин тутиши мумкин.

Калит сўзлар: қадриятлар мўлжали, ёшлар, авлодлар, дуолар, фольклор, идентиклик, ижтимоий хотира, маданият, ахборотлашган жамият.

TRANSFORMATION OF VALUE GOALS IN YOUTH IN AN INFORMED CULTURAL SPACE.

ABSTRACT

In the article, the author analyzes the transformation of value objects in the process of generational change in the conditions of social relations in society using the example of “prayers”, which are part of folklore in the cultural space. For all eras, a specific value object is manifested, and its variability or continuity necessarily depends on the existing socio-political and cultural characteristics. The lack of a reliable source or database at all times requires the researcher to search for specific methodological approaches. In determining the transformation of value objects in an

information society, a specific approach, which has not been paid much attention to in local sociological studies, namely, the factors influencing the worldview of values in “prayers”, were analyzed. In the future, the importance of this approach may play a special role in expressing theoretical and methodological approaches in cultural anthropology and sociology of religion.

Keywords: Values, youth, generations, prayers, folklore, identity, social love, culture, society.

КИРИШ

Сўнгги 20 йил ичида ўзбек жамиятшунослари ижтимоий-маданий хусусиятлар тўғрисида “бот-бот” ёзишадиган бўлди. Биз ушбу мақоламизда мазкур муаммонинг миқдори ва таҳлилига тўхталиб ўтишни лозим топмадик. Аммо илгари сурилган мавзу юзасидан ижтимоий-маданий ҳодисаларнинг ўзаги ҳисобланган “қадриятлар мўлжали” ва унинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятига тўхталиб ўтишни муҳим, деб ҳисобладик. Ҳар қандай маданиятнинг жамиятдаги ўрнини алоҳида аҳамият касб этувчи инсон ҳаётидаги хотиранинг тутган роли билан қиёсласа бўлади. Ўзгача таърифлайдиган бўлсак, ижтимоий-маданият ўзида кишиларнинг ўтмиш хотиралари билан боғлиқ анъаналарни бугунги кун талаблари билан қамраб олади. У шунингдек, жамият аъзоларидан ўз атрофини ўраб турган атроф-муҳитни қандай қабул қилиш, баҳолаш ва тасвирлашни талаб этиб, унинг ҳуқ-атворини шакллантиради. Демак, маданият бир томондан кишиларнинг ўзлари томонидан яратилган анъаналар орқали шаклланиб борса, иккинчи томондан у социумда аъзоларга нисбатан “қандай бўлиш кераклиги ва лозимлиги” тўғрисидаги муносабатларни сингдириб боради. Бу хусусда биз Г.Триандиснинг ижтимоий маданий омилларнинг инсон ҳуқ-атворига кўрсатадиган ижтимоий меъёрларни белгиловчи синдромлар тўғрисидаги қарашларини ҳавола этамиз. Г.Триандиснинг фикрига кўра ушбу маданий синдромлар тўртта ҳолатда намоён бўлади:

- Мураккаблик:** айрим маданиятлар ўзининг ташкил этилишига кўра бошқаларидан анча мураккаб;

- Индивидуализм:** баъзи бир маданиятларда ҳаёт тажрибаси асосан алоҳида аҳамият касб этадиган индивидлар ҳисобига тузилади;

- Жамоавийлик:** қайсидир бир маданиятларда субъектив ҳаётий тажриба бир ёки бир нечта жамоалар, хусусан оила, қабила (жамоа), диний гуруҳ, этнос ёки бутун бир мамлакат атрофида ташкил топган бўлади;

• *Жинслилик (ёки ўзаро боғлиқлик)*: баъзи маданиятларда кўплаб меъёр ва қадриятлар, чекланган миқдордаги ҳуқ-атвор мавжуд бўлиб, айрим ҳолатларда бир қадар эркинлик мавжуд бўлади [1-20;].

Ижтимоий-маданият ҳуқ-атворга нозик ҳаракатлар билан таъсир ўтказди. Биз учун муҳими – бу мавжуд ижтимоий хусусиятларининг қадриятлар мўлжалларидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш саналади. Аввал характер тўғрисида маълумот бериб ўтсак. Бихевиоризм тарафдорлари характер тимсолида ҳуқ-атвор белгиларини кўрадилар, ёки индивид характерини ҳуқ-атворда белгилаб берадилар. Бошқа бир тадқиқотчилар, хусусан У.Макдаугалл, Р.Гордон ва Э.Кречмерлар “характер элементлари туғма бўлиб, динамик хусусиятга эга”, деб ҳисоблаганлар [2;]. Аммо, З.Фрейд таълимотига эътибор қаратадиган бўлсак, у характерни бевосита ҳуқ-атвор билан боғлаб, уни ўз даври олимларига нисбатан чуқур тадқиқ этади. Рамзли интеракционизм нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, ҳуқ-атвор белгилари ва характер белгилари ўзаро чамбарчас динамик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб, уларни тасвирлаш учинчи шахс томонидан амалга оширилади. З.Фрейд назарияларида айнан шу омил устуворлик қилади. Жумладан, ҳуқ-атвор белгисини намоён этувчи “журъат” эркинлик, ёки инсон ҳаётини ифодалаш учун маълум бир қарама-қаршилиқни намоён этади. Агар биз журъат орқали қайсидир бир мотивацияни ҳис этмоқчи бўлсак, унда характернинг ўжарлик ёки қайсарлик белгиларини кузатиш мумкин.

XXI аср ўз ўзгарувчанлиги билан инсониятнинг бутун бир ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи, кундалик ҳаёти, онг ва тафаккури, дунёқараши ҳамда менталитет ва идентиклик масалаларининг трансформациялашувига таъсир ўтказмоқда. Аср бошида тадқиқотчилар томонидан кўп ишлатиладиган “ўзгарувчан жамият” атамаси бугунги кунда кам қўлланилмоқда. Унинг ўрнида “жамиятнинг трансформациялашуви”, “инновацион жамият”, “ахборотлашган жамият”, “жамиятнинг глобаллашуви” каби атамалардан кенг фойдаланилмоқда. Бизнингча, бугунги кундаги Марказий Осиё шароитида “ўзгарувчан жамият” атамасидан тадқиқотчилар меъёр даражасида фойдаланишлари, ёки “давра суҳбатлари” ўтказишда бош мавзуга олиб чиқишлари фойдадан холи бўлмайди.

Ёшлардаги қадриятлар мўлжалларининг энг асосий кўрсаткичларидан бири, уларнинг диний муносабатлардаги иштирокида ўз ифодасини топади. Замонавий жамиятдаги Ўзбекистон ёшларининг диний онг ва ҳуқ-атвордаги ижтимоий хусусиятларини тушуниш ёки англаш маълум маънода қарама-қаршилиқлардан ташкил топади. Бир томондан, жамиятда ислом дини ва унинг

таълимоти билан боғлиқ фаолият ошиб борса, иккинчи томондан, дунёнинг глобаллашуви натижасида диний қадриятларга нисбатан ноаниқлилиқ, ҳамда секуляризацияга оид қарашлар мавжудлиги кузатилади. Шу боисдан ҳам ахборотлашган жамиятда ёшлардаги замонавий қадриятлар мўлжалларининг трансформациялашувида турли хил зиддиятли мунозара ва бахслар пайдо бўлади. ”Қадриятлар мўлжали индивиднинг ижтимоийлашув ва ижтимоий мослашув жараёнларида орттирилган, шахслараро тузилманинг ҳаётий тажрибасига жамланган ички (диспозицион) элемент ҳисобланади. У шахснинг ўзи томонидан қайсидир бир рамкага солинган маълум қадриятларни қабул қилиб олишида қайсидир муҳимлилик (маълум бир шахс учун муҳим бўлган)ни кўрсатишда аҳамият касб этувчи, аммо аҳамиятсизлик (аҳамиятсиз)ни ифодаловчи билан уни қабул қилмаслик ўртасидаги чегараларни мавжуд ижтимоий ҳаётнинг якуний том маънодаги асосий мақсадлари сифатида қабул қилинади. Шунингдек, ушбу дихотомия қадриятлар мўлжаллини амалга оширишнинг мақбул воситаларини белгилайди” [3-256;].

2019 йили бошланган COVID-19 Пандемияси, кейинчалик глобал маконда уруш ўчоқлари майдонининг кенгайиб кетиши ва мазкур манзараларнинг ахборотлашган жамиятда асосий бахс маконига айланиши ўзбек жамиятининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Мамлакат кундалиқ ҳаёти ва турмуш тарзида кутилмаганда янгича мазмун касб этувчи қадриятлар мўлжали ва идентиклиқнинг трансформациялашуви вужудга келди. Табиийки бундайин кескин ўзгарувчанлик ҳамда мобиллашувда 2016 йилнинг сўнгги декадасида содир бўлган давлат ва ҳукумат бошқарувидаги сиёсий ўзгаришларнинг ҳам таъсири сезиларли бўлди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон шароитида қадриятлар мўлжалига оид йирик ҳажмдаги жиддий социологик тадқиқотлар кузатилмади, мавжуд тайёрланган илмий ишлар ва ёзилган мақолаларда эса МДХ доирасидаги тадқиқотларга ҳамоҳанг фикр-мулоҳазалар кўп учрайди. Талабаларга маъруза ўқиш, телеграмм гуруҳлари ва ижтимоий тармоқ саҳифаларига аъзо ҳамкасбларимиздан “ўзбек халқининг бугунги кундаги 10 та қадриятларини санаб беринг” қабалидаги саволлар билан мурожаат қилинганда, ўзимиз кутган жавобларни ололмадик. Инсоннинг ҳаёти ва фаолияти давомида маъноли яшаши учун қувонч улашувчи барча манзаралар охир-оқибатда қадриятга айланиши мумкин. Қадрият атамаси ва уни шакллантирувчи ғоялар бир қарашда ўзаро ҳамоҳанг мазмун касб этаётгандек бўлиши мумкин, лекин, у аслида бундай бўлолмайди. Қачонки, ғоя ўзининг бетараф (нейтрал) мазмун касб этиши (турли мазмундаги мафкуравийликдан ҳоли)дан ташқари, уни

амалга оширишга бўлган умуминсоний истакни ҳам ўзида мужассам этган тақдирда қимматли мазмун касб этиши мумкин. Лекин, парадоксли, яъни бир-бирига мутлақо қарама-қарши ҳолатлар турмуш тарзимизнинг қисми сифатида пайдо бўлиб, нимагадир эришганимизда, у биз учун ўз аҳамиятини йўқотиб қўйиши ва унга бўлган қизиқишимиз бирдан унутилиши мумкин. Қадри, ёки қадриятга айланган воқеълик эса, аксинча, намоён бўлиш билан ўзидаги муносиб сифатларни йўқотмайди, у истикбол учун ишончли кўринади, ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир янгиланган жабҳаларида ҳаракатларни рўёбга чиқиши, амалга ошириш учун юксак туйғу, ёки кечинмага айланиб боради. Шундай бўлса-да, қадриятлар мўлжалини амалга оширишда жамият томонидан маълум даражадаги ўзига хос ёндашувлар амалга оширилиб борилади. Баъзида, у тўлиқ илмий мазмун касб этишни талаб этади. Шу боисдан, ОАВ маълумотлари, университетларнинг илмий конференция ва семинарларидаги мунозара ва давра суҳбатларида ёшларнинг қадриятлар мўлжалига оид кўтарилаётган масалалар ҳамма вақт ҳам аниқ ҳақиқатга мос тушавермасди. Ёшларнинг қадриятлар мўлжали фокусини аниқлаш учун ўзига хос ёндашувларга эҳтиёж сезилади.

Юқорида таъкидлаганимиз, COVID-19 Пандемияси қадриятлар мўлжалларининг ўзгаришида сезиларли роль ўйнади. Миллий ҳамда фуқаролик идентикликлари фонида диний идентикликнинг роли қадрият ва эътиқод рамзи сифатида юқори тезликда ошиб борди. Табиийки, пандемия жуда кўп ижтимоий муаммолар билан биргаликда, кутилмаган ўлимларни ҳам тақдим этди. Ўлимлар даражасининг пандемия шароитида ошиб кетиши ҳам диний идентикликнинг устуворлигини ошишига замин яратди.

Ўзбеклар қадриятлари билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш жараёнида, асосан турли хил тадбир ва маракаларнинг аҳамияти алоҳида ўрин тутди. Ҳар қандай диний, миллий, шунингдек кундалиқ ҳаётдаги энг оддий тадбир, марака, фаолиятнинг бошланиши ва якуни “дуо” ўқиш билан алоҳида мазмун касб этади. Бизнингча, Марказий Осиёнинг турмуш тарзи бир-бирига яқин бешта мусулмон мамлакатлари аҳолиси ижтимоий-маданий ҳулқ-атворида бу ҳолат оддий норма ҳисобланади. Ёшларнинг қадриятлар мўлжали нималарда ўз ифодасини топиши мумкин, деган саволни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бевосита кузатишларимизда дуоларнинг ўзбек ёшлари қадриятлар мўлжалини олишдаги замонавий хусусиятлари қайсидир даражада ўз ўрнини топиши мумкинлиги гувоҳи бўлиш мумкин. Ва, таъкидлаш мумкинки, қайсидир “ёпиқлик” мавжуд бўлган шарт-шароитлардаги илмий тадқиқотларда ўз мазмун-моҳиятини

тополмаётган кадриятлар мўлжалини параллел дунёдаги социомаданий хусусиятлардан излаш мумкин.

“Дуо”лар ҳар бир ўзбек хонадонида ҳар куни катталар томонидан доимий равишда ўқилиб, якунида юзга фотиҳа тортилади. Бу мусулмончиликнинг белгиси сифатида диний идентикликнинг бир шакли ҳисобланади. Уни масжид имом-хатибидан тортиб, энг оддий инсонгача ёш даражасига қараб, катталар томонидан кичикларга қараб овозли равишда ўқиб етказилади. Тадқиқотчи сифатида разм солиб, унда биз қуйидаги энг асосий кадрият мўлжалларининг ифодасини тизимли равишда тартиб билан шакллантирдик. Яратувчига муҳаббат ва эътиқод, ота-онага муҳаббат, оила мустаҳкамлиги ва унга садоқат, сабр- бардошлилик, тинчлик-ҳотиржамлик, сиҳат-саломатлик, яхши таълим ва иш жойи, фарзандларнинг роҳатини кўриш, сафар (миграция)да юрганларнинг ишларига ривож, эл-юрт тинчлиги, подишоҳ ва раҳбарларга инсоф, қариндош-уруғлар ўртасида ғам ва қайғу бўлмаслиги кабилар дуолар ўқилиши жараёнида доимий ва қайта-қайта такрорланади. “Олтин олма дуо ол – дуо олтин эмасми?”, дейишади ёши улуг инсонлар. Ҳар қандай дуода инсон руҳиятига таъсир ўтказувчи ижобий жиҳатлар намоён бўлиши, ҳамда унинг кишилар, биринчи навбатда ёшлар онги ва қалбига сингдирилиб борилиши, вақтлар кесимида кадриятларга айланади.

Қизиқишларимизнинг асосий тадқиқот объектини ахборотлашган жамиятда ёшларнинг кадриятлар мўлжали ташкил этгани боис, унинг асосий мазмуни 1990-2004 йилар ичида туғилган Y авлод (миллениаллар) ва 2005-2015 йилларда туғилган Z авлод (зумерлар, ёки “зет”лар) турмуш тарзи, ижтимоий қиёфаси ва дунёқараши масалаларига бағишланади. Авлод муносабатларини таҳлил этиш, социология соҳасида О.Конт ва Ж.Милларга тегишли бўлиб, улар авлодлар алмашинувини тарихни ҳаракатга келтирувчи куч, сифатида қарайдилар. Немис социологи В.Дилтей шахс ижтимоийлашув (социализация) жараёнида ёш даражаси муҳим аҳамият касб этишини биологик ва социал омиллар билан боғлаб, уни қуйидаги кўрсаткичларда олиб қарашни тавсия этадилар: 15 ёш, 30 ёш ва 33 ёш, айнан шу ёш кўрсаткичлари ёшликни белгиловчи давр бўлиб, ундан кейин эса организмда авлоднинг етуклик давридаги алмашинув жараёни кечади [4-73;].

Биз ўз маърузамизда “дуо”ларга тўхталишимизнинг асосий омилларидан бири шундаки, жамиятнинг асосини ташкил этадиган (65 % гача) ёшларнинг ҳар икки категорияси, яъни “Y” ва “Z” авлодларда диний идентиклик даражаси устуворлик қилиб, улар ҳар бир ишни бошлаш, ёки амалга оширишда “дуо”ларга мурожаат қилишади. “Дуо” олиш учун қайсидир бир диний уламо,

ота-она, устоз, бирор-бир ёши улуг киши, эътиқодли-тақводор инсон, “Ҳаж” ёки “Умра” сафарини бажарган ҳожиларга кўпроқ мурожаат қилинади. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 95 % ислом динига эътиқод қилиши, мусулмон удумлари ва маросимларини тўлиқ адо этишлиги, шунингдек унга миллий урф-одатларнинг уйғунлашувини ҳисобга олган ҳолда, таъкидлаш мумкинки, “дуо”лар кундалик ҳаётнинг энг муҳим қисмига айланди. Дуо берувчилар ҳам ва дуо олувчилар ҳам юзларига фотиҳа тортар эканлар, дуонинг ижобат бўлишини “Яратган”дан илтижо қилиб сўрайдилар.

Илмий нуқтаи назардан айтадиган бўлсак, дуоларда айтилган тилаклар кишининг онги ва қалбига ижтимоий ҳаётда яшаш ва фаолият юритиш учун “қадрли” мўлжал сифатида маҳкам ўрнашиб қолади. Шулардан келиб чиқиб, биз ўз маърузамизда ёшлардаги қадриятлар мўлжалини айнан дуолардан қидирдик ва унинг бугунги кундаги энг асосий ва муҳим жиҳатларини ижтимоий, маданий, диний ва иқтисодий омилларда трансформациялашув жараёнларини кузатдик. Ўзини ўзи намоён этиш (самореализация), диний ва дунёвий омиллар ўртасидаги уйғунлилик, иқтисодий ва молиявий имкониятларни ошириш, ёки яхшилаш учун мобиллик (миграция)нинг турли шаклларда ортиб боришида ахборотлар алмашинувининг роли катта бўлмоқда. Ўзбек ижтимоий тармоқларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий мавзулардан ташқари, диний мулоҳазаларга ҳам алоҳида ўрин берилганлиги боис, унда келтирилган фикр-мулоҳазалар ёшларнинг қадриятлар мўлжалини олишда муҳим ўрин тутмоқда. Демак, “дуо”ларни кузатиш ва унинг ижтимоий-маданий аҳамиятга таъсири асосида, биз ёшлар мўлжалларини ифодаловчи қуйидаги 10 та қадриятлар тизимини аниқладик:

1) иймон-эътиқод ва инсоф; 2) ота-онани эъзозлаш; 3) оила ва тарбия масалалари; 4) сабр-бардошлилик (терпимость); 5) сиҳат-саломатлик; 6) тинчлик-ҳотиржамлик; 7) ўзини ўзи намоён этиш, сўз эркинлиги (барча орзу истак ва ҳоҳиш-ироданинг амалга ошиши, ёки постматериализм); 8) сифатли таълим (кўп тиллилик); 9) дунёни кўриш ва юрт кезиш (туризм, ҳорижий таълим, миграция, мусофирчилик); 10) прагматизм (жамоавийликдан аста-секин индивидуализм сари).

Энди маъруза (доклад)мизда ушбу 10 та қадриятлар мўлжалига қисқача изоҳ бериб ўтамиз. Иймон ва инсоф масаласи коронавирус пандемиясидан кейин ёшларнинг онги ва тафаккурида ўзгача бир бурилишни шакллантирди. Ёшлардаги диний фаолликни фақат коронавирус пандемияси билан боғлаш ноўрин бўларди. Мустақилликнинг биринчи 30 йиллиги давомида дин ва диний муносабатларнинг маълум даражада чегараланиши, таъқиқ ва босимлар унга

нисбатан бўлган қизиқишларни йиллар кесимида ошириб борарди. 2016 йили ижтимоий-маданий ва сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда бошланган ислохотлар табиийки, диний омилни ҳам четлаб ўтмади. Дин уламолари ва диний институтларга кенг имкониятлар берилиши, араб тили курсларининг мактаб ва турли ўқув марказларида ўқитилишига жорий этилиши ижтимоий ҳаётда “мусулмончилик” образининг бутунлай янги мазмундаги трансформациясини вужудга келтирди. Янги туғилган чақалоқларнинг исмлари асосан пайғамбарлар ва саҳобаларнинг, қиз болаларда эса уларнинг аёлларига нисбат бериш орқали қиёсланадиган бўлди. Ўғил болаларда “Муҳаммад”, қизларда эса “Ҳадича”, “Ойша”, “Солиҳа” ва бошқа шу каби исмлар энг кўп расмийлаштирила бошланди. Шундай ҳолатлар кузатилдики, кўплаб йигит-қизлар ўзларининг исмларини шу тарзда исломий исмларга ўзгартирдилар. Менинг ўзим гувоҳи бўлганим, бир йигит Паҳлавон деган номдан Муҳаммад Юсуфга (12-13 ёшлар атрофида), бошқаси эса Сардор исмидан Муҳаммад Аминга (20 ёшлар атрофида) ўзгартирди. Коронавирус пандемияси вақтида республикадаги мавжуд барча масжидларда азон овозининг “микрофон”ларда юқори диапазонда айтилишига рухсат берилгач, аҳоли, хусусан ёшлар орасида “иймон-этиқод” масаласи бизнинг назаримизда бугунги кунга келиб асосий қадриятга айланди.

“Ота-онага бўлган ҳурмат ва эҳтиром “ масаласи нафақат ўзбекларда, балки бутун Марказий Осиё халқларида азалдан, шунингдек, яқин ўтган даврлар ичида ҳам энг муҳим қадриятлардан бири саналган. Лекин, бугунги кунга келиб ота-онани эзозлаш қадрияти миллий идентиклик руҳиятидан диний идентиклик руҳиятига трансформациялашди. Ота-оналарни қадрлаш ёшлар тафаккурида материализм сифатида уларнинг соғлиги, яхши ейиш ва даволанишни таъминлашга қаратилган бўлса, сўнгги йилларда ўзига хос постматериализм сифатида ёши улуғ инсонларни “Ҳаж” ва “Умра” сафарларига олиб бориш ёки юбориш омили орқали ижтимоий ҳаётда янгича “ижтимоий мақом”га эга бўлишлик билан трансформациялашди. Саудия Арабистони Қироллиги томонидан “Ҳаж” ва “Умра” учун кенг имкониятлар яратилиши, аввал мавжуд бўлган бир қатор тўсиқ ва тақиқларнинг олиб ташланиши “ота-онага бўлган ҳурмат ва эҳтиром” қадриятини постматериализмнинг янгича кўринишларини қўллаш ёрдамида ислом қоида (канон)лари асосига идентикликнинг умуман ўзга русумларини шакллантирди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси муфтийси, шайх Нуриддин Холикназаров қуйидаги фикрларни билдирди: “Ҳаж ёки умрадан келган одамлар ортиқча улуғлаб юбориляпти. Километр узоқдан оёғининг тагига пойандоз солиш ҳам, ёш

болаларни олиб келиб, оғзига тупуртириш ҳам ҳаддидан ошишдир. Ота-онани ҳурмат қилишда ҳам ҳаддидан ошиш бор. Бир одам онасининг оёғини ювиб, сувини ичяпти. Динимиз бунга буюрмаган. Ота-онанинг ҳурматини қилиш – уни рози қилиш, хизматини қилиш, унинг дуосини олиш. Бундан ортиғи ғулу” [5;].

Бугунги куннинг ўта долзарб ва муаммоли масалаларидан бири сифатида “оила ва тарбия масалалари” қолмоқда. ОАВ, ҳукумат қарорлари, ижтимоий тармоқлар ва таълим муассасаларида энг мунозарали мавзуга айланган оила мавзуси ҳақиқий ижтимоий муаммога айланди. Оилавий тарбияда аввал фарзанд тарбияси энг муҳим масала ҳисобланган бўлса, диний муносабат ва жараёнларнинг ахборотлашган жамиятда фаоллашуви ҳисобига “оилада аёлнинг ўрни ва тарбияси масаласи” ижтимоий тармоқлар, диний маърузаларнинг асосий мунозарасига айланиб қолди. Бу жамият аҳли учун ахборотлар оламида кутилмаган чақириқ эди. Ушбу мавзу миллий қадриятлар тизимида ҳам мавжуд бўлиб, у ҳеч қачон ошкор этилмас ва ёпиқ масала сифатида турган. Бир томонда гендер тенглиги масаласи, иккинчи томонда эса исломда аёлнинг ўз турмуш ўртоғига бўйсунуши баъзида “фарз”, баъзида “суннат” сифатида ижтимоий тармоқларда кўтарилиши, таъкидлаганимиздек, кутилмаган иккиланишларга олиб келди. Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, жамият бунга тайёр эмасди. Айниқса ушбу муаммо пойтахт Тошкент шаҳрида ўта мураккаблашиб кетди. Оилавий ажримлар жуда қисқа фурсатлар ичида геометрик прогресс асосида ошиб борди. Мавжуд қонунчиликка зид равишда айрим ҳудудларда “шаръий никоҳ” асосидаги кўпхотинлилик кўпая бошлади. Бу эса ўз навбатида болалар орасида яширин, ёки ёпиқ тарздаги руҳий босим ва зўриқишларнинг кучайишига олиб келмоқда. Балким бу каби ҳодисалар бугунги мусулмон Марказий Осиёси давлатлари учун ҳам хос бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, биз буни жиддий ижтимоий чақириқ сифатида қабул қилишимиз керак. Бугунги ёшлар бир вақтнинг ўзида миллий-анъанавий, диний ва глобал чақириқларнинг гирдобига қийин танловга эга бўлган дунёқарашни бошидан кечирмоқда.

Биз томонимиздан тўртинчи ўринга қўйган қадрият тизимини “Сабр-бардошлилик” ва “сабр-қаноат” сўзлари билан изоҳладик. Бугунги кунда ижтимоий ҳаётда ҳам дуоларда бўлгани каби “сабр” энг кўп ишлатиладиган атамалардан бири ҳисобланади. Нафақат маҳаллий тадқиқотчилар, балки ҳорижлик олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам ўзбеклардаги сабр масаласи кўп ёритилади. Дуоларда сабр сўзи энг кўп ва доим ишлатиладиган атама саналади. Ахборотлашган жамиятда жараёнларнинг юқори тезликда

фаоллашуви, ижтимоий ҳаёт меъёрларининг мураккаблашув тизимига ҳар доим инсонлар етиб улгурмаяптилар. Дуоларда бир соҳа ёки касбни ўзлаштириш учун сабр сўралса, иккинчи ҳолатда иши юришмаётган дамлар учун, оилавий муаммолар кучайиб кетаётгани учун, оғир бетоб бўлиб қолганлик, атрофдан босимлар кучайиб кетганда инсонлар, айниқса ёшлар сабрли бўлишга чорланади. Сабр-бардошли бўлишга чақириқлар ўзбек жамиятида ҳамма вақт алоҳида ўрин тутган. Сабр орқали шахс ўз вақтининг келиши ва у ижобий якун топишига ишонади. Сабрнинг моҳиятини тадқиқот ишларида турлича талқин қилиш ҳолатлари мавжуд.

“Сихат-саломатлик” деб номлаган кейинги омилни навбатдаги қадриятлар мўлжалига киритдик. Тиббиёт соҳасидаги доимий рекламалар, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи ахборот ва маълумотлар, қолаверса, таъкидлаганимиз коронавирус пандемияси инсонларни, табиийки ёшларни ҳам ўз соғликлариغا нисбатан бефарқ қарамасликка ўргатмоқда. Шундай бўлса-да, айтиш жоизки, бугунги кунда фақат биологик омиллардан ташқари психологик жиҳатлар долзарб масалага айланмоқда. Ижтимоий ҳаётдаги кескин рақобатбардошлик, кўп ҳолатларда келажаққа нисбатан умидсизлик, бандлик муаммоси, тартибсиз ва ўта мураккаб миграция жараёнлари стресс ва депрессив ижтимоий касалликлар миқдорини ошириб бормоқда. Кўплаб ижтимоий касалликлар: қандли диабет, инфаркт, инсульт, ёки онкология касалликларининг йиллар кесимида аста-секинлик билан ёшариб бориши ҳолатларининг кузатилиши, табиийки, давримизнинг хавотирли ижтимоий масаласи ҳисобланади. Шунингдек, нотўғри овқатланиш, турли хил энергетик ва газли ичимликлар, интернет ўйинларига қарамлилик ҳам бугунги ёшларнинг сихат-саломатлигида жиддий роль ўйнайди.

Биз кузатишларимизда инсонлар, шу жумладан ёшлар учун ҳам “тинчлик-ҳотиржамлик” масаласи асосий қадриятга айланганлигини эътироф қилмоқчимиз. Агар дуоларда ушбу атаманинг айтилиши ва талаффузига эътибор қиладиган бўлсак, уни кўпинча дуо берувчилар нафасни чуқур ростлаган ҳолда, “пауза” билан айтилишига шоҳид бўламиз. “Оилангиз ва иш жойингизда тинчлик-ҳотиржамлик бўлсин”. Турк шоири Нозим Ҳикматдан “Бахт – деганда нимани тушунасиз”, деб сўраганларида, у ўйлаб туриб шундай жавоб берган экан: “Бахт – бу эрталаб уйғонганингда иш жойингга хурсанд бўлиб бориш учун шошилиш ва иш вақти тугагач, уйингга шошилиб, хурсанд бўлиб қайтиш”. Бу ерда бошқа ҳеч қандай изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Рақобатли, доимий ва тез-тез учраб турадиган бугунги низоли вазиятлар,

бандлик масаласи билан боғлиқ ечимларни ҳал этишда, ёшлар учун “тинчлик-хотиржамлик” масалалари асосий қадриятлардан бирига айланди.

Ўзини ўзи намоён этиш, сўз эркинлиги (барча орзу истак ва хоҳиш-ироданинг амалга ошиши, ёки постматериализм) масалалари бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистон ёшларининг ҳам ахборотлашган жамиятда фаоллаштирди. Кўп тилли бўлишга интилиш, IT дастурчиси касбини ўзлаштиришга ҳаракатлар, блогерлик замонавий ёшларнинг асосий қизиқишларини ифодалайди. Шунингдек, бугунги ёшларда коронавирус пандемиясидан кейин Z авлод (зумер)га мансубларда араб тилини ўрганиш, Қурони Каримни ёдлаш, қори ва қория бўлишга хоҳиш-истак ошиб бормоқда.

Сифатли таълим олиш бугунги ёшларнинг асосий қадриятларидан бирига айланган. 2016 йилгача Ўзбекистон Республикасида бор-йўғи 56 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, унга ҳар йили 59 минг, ёки мактаб битирувчиларининг 9 % қабул қилинган бўлса, бугунги кунда давлат ва нодавлат университетларнинг сони 211 тага етди. Статистик маълумотларга кўра мактаб битирувчиларининг 22-25 % олий таълимга қамраб олинмоқда. Шунингдек 10 минглаб ёшлар дунёнинг турли мамлакатларидаги университетларга сифатли таълим олиш учун кетмоқда. Таълимни юқори сифат даражасига олиб чиқиш бугунги кунда давлатнинг энг долзарб, стратегик масалаларидан бирига айланган. Тан олиб айтиш керак, жуда кўплаб соҳа ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги кузатилади. Рақобатбардош дунёда ёшларнинг ҳам ўзлари, ҳам жамият олдида қўяётган жиддий талабларидан бири – бу сифатли таълим берилиши талаби бўлиб қолмоқда.

Дунёни кўриш ва юрт кезиш (туризм, ҳорижий таълим, миграция, мусофирчилик) дуоларда кўп ишлатилиб, у “мусофирчилик” тимсолида гавдаланади. Бугунги кунда ўзбек ёшларини дунёнинг деярли барча мамлакатларида кўриш мумкин. У турист, талаба, малакали ишчи, меҳнат мигранти ва ҳатто ўзи ташриф буюрган мамлакатнинг фуқароси сифатида гавдаланиши мумкин. Аҳолиси 36,5 млн.га яқинлашган бугунги Ўзбекистонда демографик ўсиш жуда юқориликча қолмоқда. 2022 йил мамлакатда 932 192 та чақалоқ дунёга келди. 2023 йили ўрта мактабларнинг 1-синфига 730 мингта ўғил-қиз борди. Қиёслаш учун кўшни мамлакатлар билан солиштирсак, бу кўрсаткич Қозоғистон Республикасида 410 мингта, Қирғизистон Республикасида 186 мингта, Тожикистон Республикасида 220 мингта, Туркменистон Республикасида 160 мингта ва Монголияда 75 мингтани ташкил этади. Статистик маълумотлардаги ўта юқори фарқлардан ҳам хулоса қилиш

мумкинки, йиллар кесимида ёшларнинг миграция жараёнларидаги иштироки фақат фаоллашиб бориши мумкин. У энди бутунлай янги мазмунда, глобаллашган дунё омилларига боғлиқ равишда трансформациялашади.

Прагматизм (жамоавийликдан аста-секин индивидуализм сари) Y ва Z авлодлар дунёқарашида устувор қадриятга айланиб бормоқда. Ўзликни намоён этиш, ҳар қандай шароитда ҳам фойда кўриш учун интилишлар ёши катта авлодларга нисбатан ўзгача мазмун касб этади. Интернет тармоқларига боғлиқлик, ёки қарамлилик уларнинг дунёқарашига сезиларли тарзда таъсир ўтказди. Молиявий имкониятлар орқали муаммоларни ҳал этиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаларга таянилади. Миллий урф-одат ва анъаналардаги жуда кўп хусусиятлар ушбу авлодлар вакиллари ўртасида тушунмовчиликдек қабул қилинади. Жумладан ёш авлод катта авлодларнинг меҳнатга нисбатан жамоавий кўмак кўрсатиш муносабатларини нотўғри тушунади. Юз йиллар мобайнида шаклланган “ҳашар” меҳнат тизими шарт-шароитлар доирасида “мажбурий меҳнат” сифатида тасаввур уйғотиши мумкин.

Умуман олганда, бугунги ёшлардаги қадриятлар тизимини шаклланишида диний омил айна дамда устуворлик қилмоқда. Жуда кўп ҳолатларда диний идентиклик “араб” бўлишга интилишлик каби жиҳатларни намоён этишгача бориб тақалмоқда. Яна эътиборингизни муфтий Нуриддин Холиқназаровнинг фикрларига қаратамиз: “Ислом дини кириб келганда аجدодларимиз Ислом динини қабул қилдилар, араб бўлишни эмас. Миллат сақланиши керак. Оллоҳ бизни турли миллат қилиб яратди. Тақлид қилиб бошқа миллат вакили бошқа бир миллатга ўтилмайди. Мана шу анъана асрлар бўйи давом этиб келди. Ҳозир эса бизда бир марта Умрага бориб келган одам арабга айланыпти. Мусулмон одам ўзининг одоби ва ахлоқи билан мусулмондир” [6;]. Ҳозир айна дамдаги қадриятлар мўлжалининг трансформациялашуви шу ҳолатда намоён бўлмоқда. Ўйлайманки, жамиятда олиб борилаётган ислохотлар, илмий лойиҳалар ва халқаро ҳамжамят билан ўзаро уйғунлашиш юқори даражага чиқиб борар экан, яқин йиллар ичида бутунлай ўзгача қадриятлар трансформациялашувини кузатишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Триандис Г.К. Культура и социальное поведение. М.: “Форум”, 2007. – С. 20.;
2. Қаранг: Хинси Л.Э., Шацки Дж. Психиатрический словарь (Hinsie L.E., Shatzky J. Psychiatric Dictionary. N.Y.: Oxford University Press, 1940).\$

3. Мухин, А.А. Поколение 2008: наши и не наши [Текст] / А. А. Мухин. – М.: Изд-во Алгоритм, 2006. – 256 с.;
4. Дилтей В. Введение в науки о Духе. М.: 2000. – С.73.
5. Ҳусниддинова, С. Муфтий Холиқназаров динда ҳаддидан ошаётганларга мурожаат қилди. Murojaat sanasi: 09.09.2023. Internet manba, URL: <https://qalampir.uz/news/muftiy-kholik-nazarov-dinda-%D2%B3addidan-oshayetganlarga-murozhaat-k-ildi-89730>
6. Умарова, Ҳ. “Кийим билан тақводор бўлинмайди”. Муфтий Ўзбекистонда араблашаётган ўзбекларни танқид қилди. Murojaat sanasi: 09.09.2023. Internet manba, URL: <https://qalampir.uz/news/kiyim-bilan-tak-vodor-bulinmaydi-muftiy-uzbekistonda-burk-a-kiyganlarni-tank-id-k-ildi-89727>